

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

КИРЕЕВ ВАДИМ ВЛАДИМИРОВИЧ

АУТОИММУН КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
ГЛЮКОКОРТИКОИД ВА ИММУНОСУПРЕССАНТ ҚАРШИЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

14.00.36 –Аллергология ва иммунология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Киреев Вадим Владимирович

Аутоиммун касалликлар билан оғриган беморларда
глюкокортикоид ва иммуносупрессант қаршилигини
ривожлантириш механизмлари ва уни бартараф этиш усуллар..... 3

Киреев Вадим Владимирович

Механизмы развития глюкокортикоид- и иммунодепрессант-
резистентности у больных аутоиммунными заболеваниями
и методы её преодоления..... 29

Kireev Vadim Vladimirovich

Mechanisms of development of glucocorticoid and
immunosuppressant resistance in patients with autoimmune
diseases and methods of its overcoming..... 56

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

КИРЕЕВ ВАДИМ ВЛАДИМИРОВИЧ

АУТОИММУН КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
ГЛЮКОКОРТИКОИД ВА ИММУНОСУПРЕССАНТ ҚАРШИЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

14.00.36 –Аллергология ва иммунология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc/Tib527 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Суяров Акрам Амиркулович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Уразметова Маиса Дмитриевна тиббиёт фанлари доктори, профессор Ризамухамедова Машкура Зактровна тиббиёт фанлари доктори, профессор Ташкентбаева Элеонора Нигмановна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент педиатрия тиббиет институти

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс: +99871-207-08-30, e-mail: immunologiya@qip.ru.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М.Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда аутоиммун ревматик касалликларини (АРК) глюкокортикоидли (ГК) ва иммунодепрессант (ИД) препаратлари билан даволашда ушбу препаратларга нисбатан қаршилиқни (резистентликни) ривожланиши долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. ЖССТ маълумотиغا кўра, «... ҳар йили умумий аҳолининг тахминан 1-3%и (АРК) тизимли глюкокортикоидларни ҳар хил аутоиммун касалликларида қабул қилса, шундан 1,8%и эса — узоқ вақт давомида фойдаланиши кўп ҳолларда уларга нисбатан резистентлик ривожланмоқда»¹. АРКда ГК ва ИДга нисбатан резистентликни учраш даражаси юқорилиги, патогенезининг мураккаблиги, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари оғирлиги ўз навбатида, уни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалий тиббиётга тадбиқ этишни тақоза этмоқда.

Жаҳон миқёсида аутоиммун касалликлари, жумладан ревматоидли артрит, ТҚЮ, ТСДни эрта ташхислаш, прогнозлаш ва олиб боришни оптималлаштириш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада аутоиммун касалликлари билан касалланган беморларда иммун тизим фаолияти ўзгаришини аниқлаш, аутоиммун касалликлари ҳолатлари келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, глюкокортикоидли ва иммунодепрессант препаратлари билан даволашда ушбу препаратларга нисбатан резистентлик ривожланишини аниқлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги ва сифатини ошириш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда аутоиммун касалликлари ҳолатларни эрта ташхислаш, олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида аутоиммун ревматик касалликларга эрта ташхис қўйиш, комплекс даволаш, улар асоратларини камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса аутоиммун ревматик касалликлари билан оғриган беморларни глюкокортикоид ва иммунодепрессантрезистентликни ҳар томонлама аниқлаш ва даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш, касалланиш даражасини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

¹ World Health Organization, 2021 <https://www.who.int/ru/news>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлоқ янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-техник ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Бир қатор етакчи жаҳон марказлари ва олий ўқув юртлири глюкокортикоидлар ва иммунодепрессантларга резистентлик масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, Karolinska Institute (Швеция), King's College London (Англия), University of Hong Kong (Гонконг), University of Michigan (АҚШ), University of Gothenburg (Швеция), Harvard University (АҚШ), University of Zurich (Швейцария), University of Bern (Швейцария), Tokyo Medical and Dental University (Япония), University of Melbourne (Австралия), Peking University (Хитой), Academic Medical Center University of Amsterdam (Нидерланд), Maastricht University Medical Center (Голландия), State University of New York (АҚШ), West Wales General Hospital (Великобритания), the University of Auckland (Янги Зеландия), Medanta hospital (Индия), И.М. Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети. (Россия), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) ва Иммунология ва инсон геномикаси институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда аутоиммун касалликларда глюкокортикоид ва иммуносупрессант қаршилигини ривожлантириш механизмлари ва уни бартараф этиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: атоиммун, ревматик ва гематологик касалликларга чалинган беморларнинг қонида глюкокортикоидлар ва иммунодепрессантларга сезувчанликни аниқлаш усуллари ишдаб чиқилган

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.ahtcm.admissions.cn., www.wchscu.cn., www.hpscreg.eu., www.actm.gr., www.foodandmoodcentre.com.au., www.deakin.edu.au., www.medicinehealth.leeds.ac.uk., www.leedsth.nhs.uk., www.ninr.nih.gov., www.icaahn.mssm.edu., www.vit.ac.in., www.gu.se., www.hsc.edu.kw., www.unife.it., www.omsk-osma.ru., www.gnck.ru., zkmu.kz., www.bsmi.uz ва бошқа манбалар.

(Institute for Cellular and Molecular Immunology, Humboldtallee, Germany; Max Planck Institute for Molecular Genetics, Ihnestraße, Germany); синовиал суюқликдаги сезувчанликни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган (University Medical Center Göttingen, Institute for Pathology, University Hospital of Messina, Italy); турли аутоиммун касалликлари бўлган беморларда глюкокортикоидларнинг иммунологик кўрсаткичларига таъсир даражаси ва боғлиқлиги аниқланган (National University of Singapore, Сингапур); Comprehensive Transplant Center, Cedars Sinai Medical Center, Los Angeles АҚШ); глюкокортикоидларга нисбатан сезувчанликни тиклаш усули ишлаб чиқилган (Department of Rheumatology and Clinical Immunology, Berlin, Германия); биологик ген-мухандислик препаратлар таъсир механизми аниқланган (School of Medicine, Chung Shan Medical University, Taichung, Taiwan, Тайван; Harvard Medical School, Boston, АҚШ); аутоиммун касалликлар ривожланиш хавф омиллари, ташхислаш ва даволашга комплекс ёндашиш ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти, Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида аутоиммун касалликларда глюкокортикоид ва иммуносупрессант қаршилигини ривожлантириш механизмлари ва уни бартараф этиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: аутоиммун касалликларнинг ўзига хос клиник-иммунологик кечиш хусусиятларини аниқлаш, аутоиммун касалликларга ирсий мойиллиги мавжудлигини аниқлаш, касалликни ташхислашда биокимёвий ва иммунологик маркерларини аниқлаш; аутоиммун касалликларда қон ва синовиал суюқлигида иммун маркёрлар боғлиқлигини аниқлаш, аутоиммун касалликларда цитокинлар кўрсаткичлари ҳолатини баҳолаш; глюкокортикоидли ва иммунодепрессант препаратлари билан даволашда ушбу препаратларга нисбатан резистентлик ривожланишини аниқлаш, аутоиммун касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш, касаллик дифференцирланган даволаш усуллари самарадорлигини баҳолаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтга келиб, қон ва бошқа биологик суюқликларда айнан бир глюкокортикоидларга нисбатан сезувчанликни аниқлаш бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб борилмоқда ва ҳозирда глюкокортикоидларга резистентлик частотаси ревматоид артритда 30% га, аутоиммун пурсилдоқда 44% гача, бронхиал астмада 30% гача бўлиши мумкинлиги аниқланган (Straub Н., 2014). Бугунги кунда, глюкокортикоидларга сезувчанликни аниқлаш бўйича етарлича маълумотга эга бўлмаган усуллар яратилган бўлиб, бу битта дори (фақат преднизолон) билан боғлиқ ва бир касалликда (нефротик синдромда) ёки шунингдек синовиал суюқликда (фақат дексаметазонга) қўлланилади. Математик таҳлил натижасида преднизолон, гидрокортисон ва метилпреднизолоннинг қондаги иммунологик кўрсаткичларига ҳамда ревматоид артритда преднизолон ва дексаметазоннинг синовиал суюқликнинг баъзи иммунологик кўрсаткичларига таъсири аниқланган (Somvanshi P. R., 2019).

Бронхиал астмада экспериментал субстанциянинг глюкокортикоидларга нисбатан резистентлик табиатига таъсири ўрганилган (Кадушкин А.Г, Таганович А.Д, 2022), ҳамда, аутоиммун ревматик касалликларни даволашда биологик ген-муҳандислик препаратларининг муҳим стероид-сақловчи таъсири аниқланган (Нао Х., 2019), бир қатор ҳолларда глюкокортикоидлар ва иммунодепрессантлар миқдорини сезиларли даражада камайтиришга ёки улардан бутунлай воз кечишга ва барқарор клиник ремиссияга эришишга имкон берган, бу эса туғиш ёшидаги ва насл бўлмаган беморларда тўлиқ муддатли ҳомиладорликни ривожлантириш имкониятига эга бўлиш учун муҳимдир. Шу муносабат билан, аутоиммун ревматик касалликлар билан оғриган беморларда ГК ва ИД га резистентлик частотасини аниқлаш, шунингдек, уларга нисбатан резистентликни бартараф этиш жуда долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда глюкокортикоидларга нисбатан резистентлик механизмларини ва уларни бартараф қилиш усулларини ўрганиш давом этаётганига қарамай, аутоиммун касалликларда глюкокортикоидларнинг иммунологик кўрсаткичларига таъсири етарли ўрганилмаган, шу билан бир қаторда, турли хил дори воситалари билан глюкокортикоидлар ва иммунодепрессантларга нисбатан резистентликни бартараф этиш муаоммоси очик қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ПЗ-20170920260-сонли «Аутоиммун касалликлари (РА, ТҚЮ) ва бронхиал астмада иммуносупрессив терапияни такомиллаштириш» (2018-2020 йй) ва АМ-ПЗ-201906124-сонли «Иммун тизимига боғлиқ касалликларнинг базис давосини персоналлаштириш учун фармакологик жавоб ўзгарувчанлиги билан ассоциирланган янги биомаркерларни ишлаб чиқиш» (2020–2021 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аутоиммун касалликлар билан оғриган беморларда глюкокортикоид ва иммуносупрессант қаршилигини ривожлантириш механизмлари ва уни бартараф этиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аутоиммун ревматик касалликларида периферик қон ва синовиал суюқликда глюкокортикоидлар ва метотрексатга сезувчанликни аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш;

аутоиммун ревматик касалликлари билан оғриган беморларнинг периферик қонида глюкокортикоидлар ва метотрексатга нисбатан сезувчанликни аниқлаш;

касалликнинг серологик вариантыга ва босқичига қараб, РАли беморларининг синовиал суюқлигида глюкокортикоидлар ва метотрексатга нисбатан сезувчанлик даражасини баҳолаш;

глюкокортикоидлар ва метотрексатга нисбатан сезувчанлик даражасига қараб, РА бўлган беморлар периферик қонидаги иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш;

РА беморларнинг синовиал суюқлигида глюкокортикоидлар ва метотрексатга нисбатан сезувчанлик даражасига қараб, иммунологик кўрсаткичлар ўзгаришларини аниқлаш;

РАда бир хил сезувчанлик даражасига эга бўлган препаратга қараб периферик қон ва синовиал суюқликда иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини баҳолаш;

РА билан оғриган беморларда препаратларга нисбатан сезувчанлик даражасига қараб периферик қон ва синовиал суюқликдаги иммунологик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

Ритуксимаб препаратини қабул қилган РА билан оғриган беморларда иммунологик кўрсаткичларининг глюкокортикоидлар ва метотрексатга нисбатан сезувчанлик даражасига таъсирини баҳолаш;

ГКС ва ИДга нисбатан сезувчанликни ошириш усули сифатида ГКСга сезувчанликни ҳисобга олган ҳолда РА билан оғриган беморларда дифференциал пульс терапиясини (ПТ) олиб бориш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аутоиммун касалликлар (ревматоидли артрит, ТҚЮ, ТСД) ташхиси билан 250 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар ва соғлом шахслар вена қони, қон зардоби ва синовиал суюқлиги иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, иммунологик, иммунофармакологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўта юқори сезувчанлик бўйича беморлар орасида РАда дексаметазон, ТҚЮда бетаметазон, дексаметазон, преднизолон ва триамцинолон, ТСДда эса бетаметазон эгаллаганлиги, ўта паст сезувчанликка эга беморлар орасида, РАда метилпреднизолон, ТҚЮда метотрексат, ТСДда метилпреднизолон эгаллаши асосланган;

илк бор аёллар орасида ўта юқори сезувчанлик бўйича биринчи ўринни бетаметазон, охириги ўринни эса метилпреднизолон, ўта паст сезувчанлик бўйича метилпреднизолон етакчи ўринни, бетаметазон, дексаметазон ва триамцинолон эса охириги ўринни эгаллаши аниқланган;

илк бор РА да ГК ва МТга нисбатан ўта юқори ва ўта паст сезувчанликни жинслар фарқи бўйича таҳлил қилинганда эркаклар орасида ўта юқори сезувчанлик даражаси бўйича биринчи ўринда дексаметазон ва триамцинолонда, охириги ўринда эса гидрокортисон ва метотрексатда кузатилган, ўта паст сезувчанлик бўйича метилпреднизолон етакчи ўринни, энг охириги ўринни эса дексаметазон эгаллаши исботланган;

илк бор РА билан серонегатив вариантли беморларда, ўта юқори сезувчанлик биринчи ўринда бетаметазонга, энг охириги ўринда эса метилпреднизолонга тўғри келса, ўта паст сезувчанликда эса етакчи ўринни метилпреднизолон ва охириги ўринни дексаметазон эгаллаши, серопозитив

вариантда ўта юқори сезувчанлик дексаметазон ва триамцинолон, охириги ўринни эса метилпреднизолон эгалласа, ўта паст сезувчанликда эса биринчи ўринни метилпреднизолон эгаллаган, энг охириги ўринда эса дексаметазон ва триамцинолон жойлашгани аниқланган;

илк бор эрта босқичда РА бўлган беморларда ГК ва МТга ўта юқори сезувчанликка эга беморлар орасида энг кўп учрайдиган препаратлар триамцинолон ва бетаметазон бўлса, кечки босқичда эса энг кўп учрайдиган препарат дексаметазон, ундан кейин бетаметазон, энг охириги ўринда эса триамцинолон, ўта паст сезувчанликка эга беморлар орасида, эрта босқичда биринчи ўринни метотрексат, кеч босқичда эса метилпреднизолон эгаллаши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аутоиммун ревматик касалликлари бўлган беморлар қони ва синовиал суюқлигида глюкокортикоидлар ва метотрексатга сезувчанликни аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

РА, ТҚЮ ва ТСДда глюкокортикоидлар ва метотрексатга сезувчанлик даражаси гендер фарқларига, серологик турларига ва касалликнинг босқичига қараб аниқланган;

РА билан оғриган беморларни ритуксимаб билан даволашда глюкокортикоидларга сезувчанликни тиклаш имконияти асосланган;

оғир кечадиган аутоиммун ревматик касалликларни даволашда самарадор бўлган лоракортли пульс-терапия усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарли эканлиги, умумклиник, иммунологик, иммунофармакологик ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аутоиммун касалликларда глюкокортикоид ва иммуносупрессант қаршилигини ривожлантириш механизмлари ва уни бартараф этиш усуллари ишлаб чиқиш РА, ТҚЮ ва ТСД билан оғриган беморларда периферик қондаги ва синовиал суюқликдаги иммунологик ўзаришларни препарат турига ва сезувчанлик даражасига қараб гендерли фарқлар аниқланганлиги, касалликнинг серологик турлари ва босқичларига хос глюкокортикоид ва метотрексат-резистентликнинг иммун механизмлари аниқланганлиги, РАли беморларнинг ритуксимаб билан даволаш пайтида периферик қондаги иммунологик кўрсаткичлари динамикаси ва унинг глюкокортикоидларга нисбатан сезувчанликни тиклаш қобилияти аниқланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти АРҚда глюкокортикоид-метотрексат-резистентлик даражасини кўрсатадиган ва адекват даволаш имконини берадиган, периферик қон ва синовиал суюқликда глюкокортикоидлар ва метотрексатга нисбатан сезувчанликни қисқа вақт ичида, бир тўла аниқлаш усули ишлаб чиқилганлиги, шунингдек ритуксимаб билан терапия ўтказиш глюкокортикоидларга нисбатан сезувчанликни оширганлиги ва даволаш натижаларини яхшилаганлиги ҳамда индивидуал сезувчанликни ҳисобга олган ҳолда лоракорт билан самарадор ва хавфсиз бўлган пульс-терапиясини олиб борилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Аутоиммун касалликлар билан оғриган беморларда глюкокортикоид ва иммуносупрессант қаршилигини ривожлантириш механизмлари ва уни бартараф этиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилиги: илк бор ўта юқори сезувчанлик бўйича беморлар орасида РАда дексаметазон, ТҚЮда бетаметазон, дексаметазон, преднизолон ва триамцинолон, ТСДда эса бетаметазон эгаллаганлиги, ўта паст сезувчанликка эга беморлар орасида, РАда метилпреднизолон, ТҚЮда метотрексат, ТСДда метилпреднизолон эгаллаши асосланганлиги бўйича «Аутоиммун касалликларни даволашда лоракорт билан пульстерапия» ва «Аутоиммун касалликларни даволашда Ритуксимаб» ва (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 17.10.2022 йилдаги №8н-р/1134-сонли ва №8н-р/1148 сонли маълумотномаси билан тасдиқланган) услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган. Мазкур таклиф Тошкент ш. 3-сон шаҳар клиник шифохонаси бўйича 04.10.2024 йилдаги 4-сонли ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 25.09.2024 йилдаги. 54/к-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йилдаги 26 ноябрдаги 09/68-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши энг юқори сезувчанликни инобатга олган ҳолда глюкокортикоид препаратларни танлаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Тошкент шаҳар 3-сон шаҳар клиник шифохонаси ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий этилиши, яъни аутоиммун касалликларни даволашда лоракорт билан пульстерапия ва Ритуксимабни қўллаш усуллари ҳар бир беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 3 кунгача қисқартириб, ҳар бир беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 360000 сўмгача тежаш имконияти яратилди; *хулоса:* аутоиммун касалликларни даволашда метилпреднизолон, бетаметазон, гидрокортизон, дексаметазон преднизолон ва метотрексатга сезувчанлик бир вақтнинг ўзида аниқланганлиги асосланган;

иккинчи илмий янгилиги: илк бор аёллар орасида ўта юқори сезувчанлик бўйича биринчи ўринни бетаметазон, охириги ўринни эса метилпреднизолон,

ўта паст сезувчанлик бўйича метилпреднизолон етакчи ўринни, бетаметазон, дексаметазон ва триамцинолон эса охирги ўринни эгаллаши аниқланганлиги бўйича «Аутоиммун касалликларни даволашда лоракорт билан пульстерапия» ва «Аутоиммун касалликларни даволашда Ритуксимаб» (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 17.10.2022 йилдаги №8н-р/1134-сонли ва №8н-р/1148 сонли маълумотномаси билан тасдиқланган) услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган. Мазкур таклиф Тошкент ш. 3-сон шаҳар клиник шифохонаси бўйича 04.10.2024 йилдаги 4-сонли ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 25.09.2024 йилдаги. 54/к-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йилдаги 26 ноябрдаги 09/68-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши энг юқори сезувчанликни инобатга олган ҳолда глюкокортикоид препаратларни танлаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Тошкент ш. 3-сон шаҳар клиник шифохонаси ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий этилиши, яъни аутоиммун касалликларни даволашда лоракорт билан пульстерапия ва Ритуксимабни қўллаш усуллари хар бир беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 3 кунгача қисқартириб, хар бир беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 360000 сўмгача тежаш имконияти яратилди; *хулоса:* аёллар орасида ўта юқори сезувчанлик бўйича биринчи ўринни бетаметазон, охирги ўринни эса метилпреднизолон, ўта паст сезувчанлик бўйича метилпреднизолон етакчи ўринни, бетаметазон, дексаметазон ва триамцинолон эса охирги ўринни эгаллаши асосланган;

учинчи илмий янгилиги илк бор РА да ГК ва МТга нисбатан ўта юқори ва ўта паст сезувчанликни жинслар фарқи бўйича таҳлил қилинганда эркаклар орасида ўта юқори сезувчанлик даражаси бўйича биринчи ўринда дексаметазон ва триамцинолонда, охирги ўринда эса гидрокортизон ва метотрексатда кузатилган, ўта паст сезувчанлик бўйича метилпреднизолон етакчи ўринни, энг охирги ўринни эса дексаметазон эгаллаши исботланганлиги бўйича «Аутоиммун касалликларни даволашда лоракорт билан пульстерапия» ва «Аутоиммун касалликларни даволашда Ритуксимаб» ва (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 17.10.2022 йилдаги №8н-р/1134-сонли ва №8н-р/1148 сонли маълумотномаси билан тасдиқланган) услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган. Мазкур таклиф Тошкент ш. 3-сон шаҳар клиник шифохонаси бўйича 04.10.2024 йилдаги 4-сонли ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 25.09.2024 йилдаги. 54/к-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йилдаги 26 ноябрдаги 09/68-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий

этилиши энг юқори сезувчанликни инобатга олган ҳолда глюкокортикоид препаратларни танлаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Тошкент ш. 3-сон шаҳар клиник шифохонаси ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий этилиши, яъни аутоиммун касалликларни даволашда лоракорт билан пульстерапия ва Ритуксимабни қўллаш усуллари хар бир беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 3 кунгача қисқартириб, хар бир беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 360000 сўмгача тежаш имконияти яратилди; *хулоса*: РА да ГК ва МТга нисбатан ўта юқори ва ўта паст сезувчанликни жинслар фарқи бўйича таҳлил қилинганда эркаклар орасида ўта юқори сезувчанлик даражаси бўйича биринчи ўринда дексаметазон ва триамцинолонда, охирги ўринда эса гидрокортизон ва метотрексатда кузатилган, ўта паст сезувчанлик бўйича метилпреднизолон етакчи ўринни, энг охирги ўринни эса дексаметазон эгаллаши асосланган;

тўртинчи илмий янгиллиги: илк бор РА билан серонегатив вариантли беморларда, ўта юқори сезувчанлик биринчи ўринда бетаметазонга, энг охирги ўринда эса метилпреднизолонга тўғри келса, ўта паст сезувчанликда эса етакчи ўринни метилпреднизолон ва охирги ўринни дексаметазон эгаллаши, серопозитив вариантда ўта юқори сезувчанлик дексаметазон ва триамцинолон, охирги ўринни эса метилпреднизолон эгалласа, ўта паст сезувчанликда эса биринчи ўринни метилпреднизолон эгаллаган, энг охирги ўринда эса дексаметазон ва триамцинолон жойлашгани аниқланганлиги бўйича «Аутоиммун касалликларни даволашда лоракорт билан пульстерапия» ва «Аутоиммун касалликларни даволашда Ритуксимаб» ва (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 17.10.2022 йилдаги №8н-р/1134-сонли ва №8н-р/1148 сонли маълумотномаси билан тасдиқланган) услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган. Мазкур таклиф Тошкент ш. 3-сон шаҳар клиник шифохонаси бўйича 04.10.2024 йилдаги 4-сонли ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 25.09.2024 йилдаги. 54/к-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йилдаги 26 ноябрдаги 09/68-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши энг юқори сезувчанликни инобатга олган ҳолда глюкокортикоид препаратларни танлаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Тошкент ш. 3-сон шаҳар клиник шифохонаси ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий этилиши, яъни аутоиммун касалликларни даволашда лоракорт билан пульстерапия ва Ритуксимабни қўллаш усуллари хар бир беморнинг

шифохонада қолиш муддатини ўртача 3 кунгача қисқартириб, хар бир беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 360000 сўмгача тежаш имконияти яратилди; *хулоса*: ревматоид артрит билан серонегатив ва серопозитив вариантли беморларда ўта юқори ва ўта паст сезувчанлик аниқланиб даволаш асосланган;

бешинчи илмий янгиллиги: илк бор эрта босқичда РА бўлган беморларда ГК ва МТга ўта юқори сезувчанликка эга беморлар орасида энг кўп учрайдиган препаратлар триамцинолон ва бетаметазон бўлса, кечки босқичда эса энг кўп учрайдиган препарат дексаметазон, ундан кейин бетаметазон, энг охири ўринда эса триамцинолон, ўта паст сезувчанликка эга беморлар орасида, эрта босқичда биринчи ўринни метотрексат, кеч босқичда эса метилпреднизолон эгаллаши аниқланганлиги бўйича «Аутоиммун касалликларни даволашда лоракорт билан пульстерапия» ва «Аутоиммун касалликларни даволашда Ритуксимаб» ва (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 17.10.2022 йилдаги №8н-р/1134-сонли ва №8н-р/1148 сонли маълумотномаси билан тасдиқланган) услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган. Мазкур таклиф Тошкент ш. 3-сон шаҳар клиник шифохонаси бўйича 04.10.2024 йилдаги 4-сонли ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 25.09.2024 йилдаги. 54/к-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йилдаги 26 ноябрдаги 09/68-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши энг юқори сезувчанликни инobatга олган ҳолда глюкокортикоид препаратларни танлаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Тошкент ш. 3-сон шаҳар клиник шифохонаси ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий этилиши, яъни аутоиммун касалликларни даволашда лоракорт билан пульстерапия ва Ритуксимабни қўллаш усуллари хар бир беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 3 кунгача қисқартириб, хар бир беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 360000 сўмгача тежаш имконияти яратилди; *хулоса*: эрта босқичда РА бўлган беморларда ГК ва МТга ўта юқори сезувчанликка эга беморлар орасида энг кўп учрайдиган препаратлар триамцинолон ва бетаметазон бўлса, кечки босқичда эса энг кўп учрайдиган препарат дексаметазон, ундан кейин бетаметазон, энг охири ўринда эса триамцинолон, ўта паст сезувчанликка эга беморлар орасида, эрта босқичда биринчи ўринни метотрексат, кеч босқичда эса метилпреднизолон эгаллаши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 11 та, жумладан 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш, шулардан шулардан 1 та фойдали моделга патент (FAP) ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация

комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 17 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 226 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсад, вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аутоиммун ревматик касалликларини даволашда глюкокортикоид- ва иммунодепрессант резистентлик муаммолари, пульс-терапия ва ритуксимабнинг аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида глюкокортикоид- ва метотрексатга резистентлик бўйича илмий адабиётларнинг таҳлили батафсил келтирилган, глюкокортикоидларга сезгирликни аниқлаш бўйича аввал мавжуд усуллар баҳоланган, пульс-терапия усуллари ва уларнинг самарадорлиги муҳокама қилинган, шунингдек, ревматоид артритни даволашда ритуксимабни қўллаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг клиник тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида диссертация доирасида 250 нафар бемор текширилган, улардан 200 нафари РА, 25 нафари ТҚЮ ва 25 нафари ТСД билан касалланган беморлар, шунингдек, РА билан оғриган 68 нафар беморнинг ретроспектив анамнези ва 20 нафар амалий соғлом шахслар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Периферик қонда ва СС да ГКС ва метотрексатга нисбатан сезувчанлик даражаси ўрганилган. ГКС ва метотрексатга сезувчанлик даражасини аниқлаш усули глюкокортикоид ва метотрексат препаратларининг периферик қон ва СС лимфоцитлари рецепторларига таъсирига асосланган. ГКСнинг лимфоцитлар рецепторлари билан боғланиш даражаси қанча юқори бўлса, сезувчанлик шунчалик юқори бўлади. Бунда сезувчанлик - ўта юқори, юқори, ўртача, паст ва ўта паст даражасида баҳоланган. Периферик қондаги CD3+, CD4+, CD8+, CD16+, CD20+, CD23+, CD45RA+, CD95+ лимфоцитларнинг миқдори моноклонал антитаналар усули билан, IgA, IgM, IgG иммуноглобулинлари эса иммунофермент таҳлил усули орқали аниқланган. Олинган натижалар Фишер-Стьюдентнинг вариацион статистика усули ва кичик гуруҳларда ишончликни ҳисоблаш учун Манн-Уитнининг U-критерияси ёрдамида статистик қайта ишланган.

Диссертациянинг «**Аутоиммун ревматик касалликлар билан оғриган беморларда глюкокортикоидлар ва метотрексатга сезувчанлик**

хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида РА, ТҚЮ ва ТСД бўлган беморларнинг периферик қонида, шунингдек, РА билан оғриган беморларда ССда 6 турдаги ГК ва МТга сезувчанлик хусусиятлари натижалари келтирилган. РА билан оғриган 200 та беморларда ГК ва МТга сезувчанлик даражаси ўрганилган. РА, ТҚЮ ва ТСД бўлган беморларда ГК ва МТга резистентлик хусусиятларини солиштириш натижалари шуни кўрсатдики, РА бўлган беморларда ўта юқори сезувчанлик бўйича дексаметазон, бетаметазон ва триамцинолон асосий ўринни эгаллаган (1-жадвал). ТҚЮда худди шу препаратлар ва қўшимча равишда преднизолон (2-жадвал), ТСДда эса асосий ўринни бетаметазон эгаллаган (3-жадвал).

1-жадвал.

РА билан оғриган беморларда сезувчанлик тақсимооти (n=200)

Препарат	бета- мета- зон	метил- предни- золон	декса- метазо- н	предни- золон	триа- мцин- олон	гидро- корти- зон	мето- трек- саг
ўта юқори сезувчанлик	n=97 (49%)	n=46 (23%)	n=98 (49%)	n=91 (46%)	n=96 (48%)	n=80 (40%)	n=70 (35%)
юқори сезувчанлик	n=42 (21%)	n=52 (26%)	n=32 (16%)	n=28 (14%)	n=34 (17%)	n=43 (22%)	n=38 (19%)
ўртача сезувчанлик	n=4 (2%)	n=12 (6%)	n=12 (6%)	n=9 (5%)	n=12 (6%)	n=16 (8%)	n=12 (6%)
паст сезувчанлик	n=30 (15%)	n=26 (13%)	n=33 (17%)	n=39 (19%)	n=32 (16%)	n=28 (14%)	n=30 (15%)
ўта паст сезувчанлик	n=27 (14%)	n=64 (32%)	n=25 (12%)	n=33 (16%)	n=26 (13%)	n=33 (16%)	n=50 (25%)

2-жадвал.

ТҚЮ билан оғриган беморларда ГК ва МТга бўлган сезувчанлик тақсимооти (n=25)

Препарат	бета- мета- зон	метил- предни- золон	декса- метазон	предни- золон	триа- мцин- олон	гидро- корти- зон	мето- трек- саг
ўта юқори сезувчанлик	n=12 (48%)	n=7 (28%)	n=12 (48%)	n=12 (48%)	n=12 (48%)	n=10 (40%)	n=4 (16%)
юқори сезувчанлик	n=7 (28%)	n=6 (24%)	n=4 (16%)	n=5 (20%)	n=6 (24%)	n=7 (28%)	n=6 (24%)
ўртача сезувчанлик	0	n=2 (8%)	n=1 (4%)	n=2 (8%)	n=2 (8%)	n=2 (8%)	n=1 (4%)
паст сезувчанлик	n=3 (12%)	n=4 (16%)	n=4 (16%)	n=3 (12%)	0	n=2 (8%)	n=7 (28%)
ўта паст сезувчанлик	n=3 (12%)	n=6 (24%)	n=4 (16%)	n=3 (12%)	n=5 (20%)	n=4 (16%)	n=7 (28%)

3-жадвал.

ТСД билан оғриган беморларда ГК МТга резистентлик хусусияти (n=25)

Препарат	бета- мета- зон	метил- предни- золон	декса- метазон	предни- золон	триа- мцин- олон	гидро- корти- зон	мето- трексат
ўта юқори сезувчанлик	13 (52%)	7 (28%)	7 (28%)	6 (24%)	10 (40%)	10 (40%)	7 (28%)
юқори сезувчанлик	4 (16%)	1 (4%)	8 (32%)	5 (20%)	5 (20%)	2 (8%)	6 (24%)
ўртача сезувчанлик	2 (8%)	1 (4%)	1 (4%)	2 (8%)	2 (8%)	1 (4%)	0
паст сезувчанлик	4 (16%)	6 (24%)	5 (20%)	5 (20%)	2 (8%)	1 (4%)	4 (16%)
ўта паст сезувчанлик	2 (8%)	10 (40%)	4 (16%)	7 (28%)	6 (24%)	11 (44%)	8 (32%)

РАда юқори сезувчанликка эга хусусият бўйича асосий ўринни метилпреднизолон, ТҚЮда бетаметазон ва гидрокортизон, ТСДда эса дексаметазон эгаллаган. Паст сезувчанликка эга беморлар орасида, РАда асосий ўринни преднизолон, ТҚЮда метотрексат, ТСДда метилпреднизолон эгаллаган. РАда ўта паст сезувчанлик даражаси бўйича биринчи ўринни метилпреднизолон, ТҚЮда метотрексат, ТСДда гидрокортизон эгаллаган.

РА да ГК ва МТга нисбатан ўта юқори ва ўта паст сезувчанликни жинслар фарқи бўйича таҳлил қилинди. Бунда эркаклар орасида ўта юқори сезувчанлик даражаси биринчи ўринда дексаметазон ва триамцинолонда, охирги ўринда эса гидрокортизон ва метотрексатда кузатилган (4-жадвал).

4-жадвал.

РА билан оғриган эркак беморларда ГК ва МТга бўлган сезувчанлик хусусияти (n=26)

Препарат	бета- мета- зон	метил- предни- золон	декса- метазон	предни- золон	триа- мцин- олон	гидро- корти- зон	мето- трексат
ўта юқори сезувчанлик	13 (50%)	10 (38%)	15 (57%)	10 (38%)	15 (57%)	9 (34%)	7 (27%)
юқори сезувчанлик	10 (38%)	7 (27%)	5 (19%)	5 (19%)	3 (12%)	6 (23%)	4 (16%)
ўртача сезувчанлик	0	1 (4%)	1 (4%)	2 (8%)	1 (4%)	4 (16%)	5 (19%)
паст сезувчанлик	0	2 (8%)	4 (16%)	7 (27%)	5 (19%)	4 (16%)	5 (19%)
ўта паст сезувчанлик	3 (12%)	6 (23%)	1 (4%)	2 (8%)	2 (8%)	3 (11%)	5 (19%)

Ўта паст сезувчанлик бўйича метилпреднизолон етакчи ўринни, энг охирги ўринни эса дексаметазон эгаллаган.

Аёллар орасида ўта юқори сезувчанлик бўйича биринчи ўринни бетаметазон, охириги ўринни эса метилпреднизолон ташкил қилган (5-жадвал). Ўта паст сезувчанлик бўйича метилпреднизолон етакчи ўринни, бетаметазон, дексаметазон ва триамцинолон эса охириги ўринни эгаллаган.

5-жадвал.

РА билан оғриган аёл беморларда ГК ва МТга бўлган сезувчанлик хусусияти (n=174)

Препарат	бета- мета- зон	метил- предни- золон	декса- метазон	предни- золон	триа- мцин- олон	гидро- корти- зон	мето- трексат
ўта юқори сезувчанлик	84 (49%)	36 (21%)	83 (48%)	81 (47%)	81 (47%)	71 (41%)	63 (36%)
юқори сезувчанлик	32 (18%)	45 (26%)	27 (15%)	23 (13%)	31 (18%)	37 (21%)	34 (20%)
ўртача сезувчанлик	4 (2%)	11 (6%)	11 (6%)	7 (4%)	11 (6%)	12 (7%)	7 (4%)
паст сезувчанлик	30 (17%)	24 (14%)	29 (17%)	32 (18%)	27 (15%)	24 (14%)	25 (14%)
ўта паст сезувчанлик	24 (14%)	58 (33%)	24 (14%)	31 (18%)	24 (14%)	30 (17%)	45 (26%)

Шундай қилиб, бетаметазонга нисбатан ўта юқори сезувчанликка эга эркак беморлар аёлларга нисбатан 2,46 марта кўпроқ учраган. Метилпреднизолон бўйича ўта юқори сезувчанликка эга эркаклар аёлларга нисбатан 1,92 марта кўпроқ, аксинча, ўта паст сезувчанликка эга аёл беморлар эркакларга нисбатан 2,14 марта кўпроқ учраган.

Дексаметазон бўйича гендер фарқлари унчалик катта эмас, бироқ ўта юқори сезувчанликка эга эркак беморлар орасида 1,3 марта аёлларга нисбатан кўпроқ учраган. Преднизолонга ўта юқори сезувчанликка эга беморлар орасида аёлларда эркакларга нисбатан 1,24 марта кўпроқ учраган бўлса. Ўта паст сезувчанликка эга беморлар эса аёллар орасида эркакларга нисбатан 3,15 марта кўпроқ аниқланган. Триамцинолонга ўта юқори сезувчанликка эга беморлар эркаклар орасида 1,32 марта кўпроқ учраган. Бироқ, ўта паст сезувчанликка эга аёл беморларда эса эркакларга нисбатан 3,27 марта кўпроқ учраган. Гидрокортизон бўйича ўта юқори сезувчанликка эга беморлар аёллар орасида эркакларга нисбатан 1,41 марта ва ўта паст сезувчанликка эга беморларда эса 1,3 марта кўпроқ учраган. Метотрексат бўйича ўта юқори сезувчанлик аёлларда 1,64 марта, ўта паст сезувчанлик эса - 2,33 марта эркакларга нисбатан кўпроқ учраган.

РА билан оғриган беморларда серологик вариантларга қараб сезувчанлик хусусиятларининг фарқлари ўрганилди. Серонегатив вариантли беморларда, ўта юқори сезувчанлик биринчи ўринда бетаметазонга, энг охириги ўринда эса метилпреднизолонга тўғри келди (6-жадвал). Ўта паст сезувчанликда эса етакчи ўринни метилпреднизолон ва охириги ўринни дексаметазон эгаллади.

6-жадвал.**РА серонегатив варианты билан оғриган беморларда ГК ва МТга сезувчанлик хусусиятлари (n=57)**

Препарат	бета- мета- зон	метил- предни- золон	декса- метазо- н	предни- золон	триа- мцин- олон	гидро- корти- зон	мето- трек- сат
ўта юқори сезувчанлик	37 (65%)	14 (25%)	32 (56%)	29 (50%)	30 (53%)	25 (44%)	24 (42%)
юқори сезувчанлик	6 (10%)	16 (28%)	4 (7%)	6 (10%)	11 (19%)	11 (19%)	10 (18%)
ўртача сезувчанлик	0	3 (5%)	2 (4%)	2 (4%)	0	3 (5%)	1 (2%)
паст сезувчанлик	9 (16%)	7 (12%)	15 (26%)	10 (18%)	11 (19%)	9 (16%)	10 (18%)
ўта паст сезувчанлик	5 (9%)	17 (30%)	4 (7%)	10 (18%)	5 (9%)	9 (16%)	12 (20%)

Серопозитив вариантга эга беморлар орасида ўта юқори сезувчанлик етакчи ўринда дексаметазон ва триамцинолон, охириги ўринни эса метилпреднизолон эгаллади (7-жадвал). Ўта паст сезувчанликка эга беморлар орасида эса биринчи ўринни метилпреднизолон эгаллаган, энг охириги ўринда эса дексаметазон ва триамцинолон жойлашган.

7-жадвал.**Серопозитив РА билан оғриган беморларда ГК ва МТга сезувчанлик хусусиятлари (n=143)**

Препарат	бета- мета- зон	метил- предни- золон	декса- метазон	предни- золон	триа- мцин- олон	гидро- корти- зон	мето- трек- сат
ўта юқори сезувчанлик	60 (42%)	32 (22%)	66 (46%)	62 (43%)	66 (46%)	55 (38%)	46 (32%)
юқори сезувчанлик	36 (25%)	36 (25%)	28 (20%)	22 (15%)	25 (16%)	32 (22%)	28 (19%)
ўртача сезувчанлик	4 (3%)	9 (6%)	10 (7%)	7 (6%)	12 (8%)	13 (10%)	11 (8%)
паст сезувчанлик	21 (15%)	19 (13%)	18 (12%)	29 (20%)	21 (15%)	19 (13%)	20 (14%)
ўта паст сезувчанлик	22 (15%)	47 (34%)	21 (15%)	23 (16%)	21 (15%)	24 (17%)	38 (27%)

Серологик вариантлар бўйича қийматларнинг солиштирилиши шуни кўрсатдики, бетаметазонга нисбатан ўта юқори сезувчанлик серонегатив вариантда серопозитив вариантга нисбатан 1,55 марта, дексаметазон учун 1,22 марта, преднизолон учун 1,17 марта, триамцинолон учун 1,14 марта ва метотрексат учун 1,31 марта кўпроқ кузатилган. Ўта паст сезувчанликка эга

беморлар орасида эса бетаметазонга нисбатан 1,75 марта, дексаметазонга - 2,09 марта, триамцинолонга - 1,67 марта, метотрексатга эса 1,59 марта серонегатив вариантга қараганда серопозитив вариантда кўпроқ бўлган.

РА билан оғриган беморларда касаллик босқичига қараб сезувчанлик хусусиятларининг фарқлари ҳам ўрганилди. РАнинг эрта босқичида ўта юқори сезувчанлик биринчи ўринда триамцинолон охириги ўринда эса метилпреднизолон жойлашди (8-жадвал). Ўта паст сезувчанликда эса етакчи ўринни метилпреднизолон ва охириги ўринни триамцинолон эгаллади.

8-жадвал.

РАнинг эрта босқичида қонда ГК ва МТга сезувчанлик хусусиятлари (n=54)

Препарат	бета- мета- зон	метил- предни- золон	декса- метазон	предни- золон	триа- мцин- олон	гидро- корпи- зон	мето- трек- сат
ўта юқори сезувчанлик	32 (59%)	19 (35%)	27 (50%)	28 (52%)	34 (63%)	26 (48%)	23 (42%)
юқори сезувчанлик	10 (19%)	13 (24%)	6 (11%)	6 (11%)	9 (16%)	16 (30%)	8 (15%)
ўртача сезувчанлик	0	2 (4%)	2 (4%)	1 (2%)	2 (4%)	0	2 (4%)
паст сезувчанлик	4 (7%)	8 (15%)	12 (22%)	12 (22%)	7 (13%)	9 (16%)	7 (13%)
ўта паст сезувчанлик	8 (15%)	12 (22%)	7 (13%)	7 (13%)	2 (4%)	3 (6%)	14 (26%)

9-жадвал

РАнинг кечки босқичида қонда ГК ва МТга сезувчанлик хусусиятлари (n=146)

Препарат	бета- мета- зон	метил- предни- золон	декса- метазон	предни- золон	триа- мцин- олон	гидро- корпи- зон	мето- трексат
ўта юқори сезувчанлик	65 (44%)	27 (18%)	72 (49%)	63 (43%)	63 (44%)	51 (35%)	47 (33%)
юқори сезувчанлик	32 (22%)	40 (28%)	26 (18%)	23 (16%)	26 (17%)	28 (19%)	31 (21%)
ўртача сезувчанлик	4 (3%)	10 (7%)	10 (7%)	8 (6%)	10 (7%)	13 (9%)	10 (7%)
паст сезувчанлик	26 (18%)	18 (12%)	20 (14%)	27 (18%)	25 (16%)	20 (14%)	24 (16%)
ўта паст сезувчанлик	19 (13%)	51 (35%)	18 (12%)	25 (17%)	22 (16%)	34 (23%)	34 (23%)

РАнинг кечки босқичида ўта юқори сезувчанликка эга беморлар орасида етакчи ўринда дексаметазон, охириги ўринда метилпреднизолон жойлашган (9-

жадвал). Ўта паст сезувчанликка эга беморлар орасида эса асосий ўринни метилпреднизолон охириги ўринда эса, дексаметазон эгаллаган. РА бўлган беморларда ГК ва МТга сезувчанлик хусусиятлари касалликнинг босқичига боғлиқ ҳолда солиштирилиб, бир қатор фарқлар аниқланган. Агар эрта босқичда ўта юқори сезувчанликка эга беморлар орасида энг кўп учрайдиган препаратлар триамцинолон ва бетаметазон бўлса, кечки босқичда эса энг кўп учрайдиган препарат дексаметазон, ундан кейин бетаметазон, энг охириги ўринда эса триамцинолон жойлашган. Ўта паст сезувчанликка эга беморлар орасида, эрта босқичда биринчи ўринни метотрексат, кеч босқичда эса метилпреднизолон эгаллаган.

Шундай қилиб, ГК ва МТ сезувчанлик хусусиятларининг фарқи, нафақат касаллик турига, балки РАда, беморнинг жинсига, серологик вариантга ва босқичига ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун, ушбу маълумотлар беморларга препаратлар тайинлашда инобатга олиниши лозим.

ГК ва МТга сезувчанлик хусусиятларини ССда ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, РАда ўта юқори сезувчанликка эга беморларда асосий ўринни триамцинолон ва гидрокортизон, ўта паст сезувчанликда эса метилпреднизолон эгаллаган (10-жадвал). Ўта паст сезувчанликка эга беморлар орасида эса биринчи ўринни метилпреднизолон, охириги ўринни эса гидрокортизон ва бетаметазон ташкил этган.

10-жадвал

РА билан оғриган беморларнинг ССда ГК ва МТга бўлган сезувчанлик хусусиятининг тақсимооти (n=31)


Препарат	бета- мета- зон	метил- предни- золон	декса- метазон	предни- золон	триа- мцин- олон	гидро- корти- зон	мето- трек- сат
ўта юқори сезувчанлик	18 (58%)	14 (45%)	11 (35%)	11 (35%)	23 (74%)	23 (74%)	12 (39%)
юқори сезувчанлик	6 (19%)	1 (3%)	3 (10%)	3 (10%)	4 (13%)	4 (13%)	3 (10%)
ўртача сезувчанлик	-	1 (3%)	1 (3%)	-	1 (3%)	-	-
паст сезувчанлик	3 (10%)	3 (10%)	6 (19%)	8 (26%)	3 (10%)	-	2 (6%)
ўта паст сезувчанлик	4 (13%)	12 (39%)	10 (33%)	9 (29%)	-	4 (13%)	14 (45%)

Шундай қилиб, бир беморнинг ўзида қон ва ССда ГК, МТга нисбатан сезувчанлик даражаси турли бўлиб, бу касаллик нозологиясига, РА серологик вариантга ва босқичига боғлиқ бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «РА билан оғриган беморларда глюкокортикоид ва иммунодепрессантларга сезувчанлик хусусиятига боғлиқ иммунологик фарқлари» деб номланган тўртинчи бобида 198 та РА билан оғриган беморларда периферик қоннинг иммунологик кўрсаткичлари изчил

ўрганилиб, ГК ва МТга сезувчанлик даражасига боғлиқ ҳолда солиштирилган. РА билан оғриган беморларда дексаметазон, преднизолон, бетаметазон, триамцинолон ва метотрексатга нисбатан ўта юқори ва ўта паст сезувчанликка эга беморлар ўртасида иммунологик фарқлар аниқланмаган.

Гидрокортизонга нисбатан ўта юқори ва ўта паст сезувчанлик даражалари ўртасидаги иммунологик кўрсаткичларининг ишончли фарқи CD4%, CD45R% ва CD95% бўйича аниқланган (1-расм).



Изоҳ: * $<0,05$ – ўта юқори ва ўта паст сезувчанликка эга беморлар ўртасида ишончли фарқ.

1-расм. Гидрокортизонга ўта юқори ва ўта паст сезувчанликка эга беморларда иммунологик кўрсаткичлар фарқлари

Ўта паст сезувчанликка нисбатан ўта юқори сезувчанликда кўрсаткичларнинг ишончли ортиши кузатилган, мутаносиб равишда: CD4% – $22,63 \pm 0,60\%$ ва $25,44 \pm 1,30\%$ ($p < 0,05$), CD95% – $19,08 \pm 0,65\%$ ва $21,90 \pm 0,87\%$ ($p < 0,01$). Шунингдек, ўта паст сезувчанликка нисбатан ўта юқори сезувчанликда CD45RA% миқдори ишончли пасайиш кузатилган, мутаносиб равишда: $26,5 \pm 2,5\%$ ва $21,73 \pm 1,25\%$ ($p < 0,05$).

Мутлоқ кўрсаткичларини ўрганганимизда, гидрокортизонга ўта паст сезувчанликка нисбатан ўта юқори сезувчанликда фақат CD4+ миқдорининг $444,94 \pm 35,18$ мкл. дан $584,87 \pm 65,98$ мкл. гача ($p < 0,05$) ишончли ошиши аниқланган (2-расм).


Метилпреднизолонга сезувчанлик даражасига боғлиқ иммунологик фарқларни ўргандик. Ўта юқори ва ўта паст сезувчанликка эга беморлар ўртасида CD23%, CD45% ва CD95% кўрсаткичлари бўйича ишончли фарқлар аниқланган (3-расм). Ўта паст сезувчанликка эга беморларда ўта юқори сезувчанликка эга беморларга нисбатан CD23% миқдори $18,9 \pm 0,68$ дан $21,12 \pm 0,87\%$ гача ($p < 0,05$), CD45% - $18,13 \pm 1,05\%$ дан $22,22 \pm 0,94\%$ гача ($p < 0,01$), CD95% - $19,56 \pm 0,78$ дан $21,91 \pm 0,88\%$ гача ($p < 0,05$) ишончли ошиши намоён бўлган. Сўнгра РА билан оғриган беморлар ССдаги ГК ва МТга нисбатан ўта юқори ва ўта паст сезувчанликлар орасидаги иммунологик

кўрсаткичлари боғлиқлари ўрганилди. Тадқиқотлар учун етарли бўлган 22 нафар бемордан СС олиш имкони бўлди.



Изоҳ: * $<0,05$ – ўта юқори ва ўта паст сезувчанликка эга беморлар ўртасида ишончли фарқ.

2-расм. Гидрокортизонга ўта юқори ва ўта паст сезувчанликка эга беморларда иммунологик кўрсаткичларнинг мутлақ қийматларидаги фарқлар



Изоҳ: * $<0,05$ – ўта юқори ва ўта паст сезувчанликка эга беморлар ўртасида ишончли фарқ.

